

Албатта, кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг ўзидир

12:31 / 15.03.2017 5267

Кўпчилик инсонлар истаган пайтимизда кулиб, истаган пайтимизда йиғлай оламиз деб ўйлайдилар. Лекин улар бу гап мутлақо нотўғрилигини, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким инсонни йиғлатиш ва кулдиришга қодир эмаслигини билмайдилар.

Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деб марҳамат қилади: “Албатта, кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг ўзидир. Албатта, ўлдирган ҳам, тирилтирган ҳам Унинг ўзидир” (Нажм, 43-44). Ушбу оят бизнинг юқоридаги сўзимизга далилдир.

Йиғи гоҳида ҳаёт (уйғониш, тирилиш) аломати бўлади. Йиғи улкан неъматдир ва бу неъматни Аллоҳ истаган бандасига беради. У нафсга таскин, келган мусибатни, етган жароҳатни енгиллаштириш омили бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам оятда тартиб билан йиғи ва ҳаёт дейилмоқда. Улар орасида ўзига хос боғланиш бор. Йиғи баъзида Аллоҳдан кўрқувдан пайдо бўлади. Бу йиғи ўлик қалбларга тириклик, ҳаётдаги турли машаққатлар натижасида эзилган, гуноҳлар натижасида касалланган қалбга жило бахш этади.

Кулиш гоҳида ўлиш (ғафлат) аломати бўлади. Маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп кулувчи эмас, кўп табассум қилувчи эдилар. У зот сертабассум эдилар, аммо ҳеч қачон овозларини баланд кўтариб кулмаганлар. Биз ҳам ушбу суннатга эргашишимиз керак. Юқоридаги оятда тартиб билан кулги ва ўлим ҳам келган. Уларнинг орасида ҳам боғланиш бор. Бу кўп кулиш зарарли эканига далолатдир. Гоҳида кўп кулиш қалбнинг ўлишига олиб келади. Аллоҳ асрасин! Инсон ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир нарсага кулаверса, бу нарса унинг қалбини ва ақлини ҳаёт ҳақиқатидан, охират кунидаги ҳисоблардан чалғитиб қўяди. Кўп кулиш ақлнинг тафаккур қилишига халал беради, қалбни Аллоҳдан, Унинг зикридан, кўплаб фойдали ишлардан тўсади, машғул қилади. Қолаверса, кўп кулиш қалбга Аллоҳнинг кўрқуви жойлашишига ҳам тўсқинлик қилади. Бу борада Пайғамбар алайҳиссаломдан ушбу ҳадис ворид бўлган: “Кўп кулманглар! Чунки, кўп кулиш қалбни ўлдиради”. Ибн Можа ривоят қилган.

Аллоҳим, бизларни кўп кулишдан сақлаб, суннатга мувофиқ табассум
неъмат билан ризқлантир! Бизларга Ўзингдан қўрқиб, гуноҳларимизга
надомат қилиб йиғлаш бахтини насиб эт, омин!

Нозимжон Ҳошимжон